



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 28 апрель, № 83 (9254)

Сешанба Сайтимига Утиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ: КЕНГ КўЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИНИ ОЧМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 апрель куни ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари билан танишиш учун Фарғона вилоятига ташриф буюрди.



Фарғона вилояти азалдан меҳнаткаш ва изланувчан халқи, серхосил замини билан танилган. Бугун эса бу қадимий диёр тараққиётнинг янги саҳифасини арақламоқда.

Янги уй-жойлар, замонавий заводлар, инновацион агромажмуалар ва минтақани бир-бирига боғлайдиган транспорт тизими вилоятнинг иқтисодий ва ижтимоий қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда.

Бу ўзгаришлар иқтисодиётдаги рақамларда ҳам, шу заминда яшаётган мамнун чехраларда ҳам кўринади. Фарғона бугун инвесторлар учун жозибдор майдонга, ишлаб чиқарувчилар учун қулай заминга, халқ учун эса бахтиёр яшашга арзийдиган истиқболли ўлкага айланди.



Вилоятда кечаётган ўзгаришлар давлатнинг эътибори ва халқнинг меҳнати билан танишишдан бошланди. Мамлакатимизда аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, замонавий шаҳар-созлик андозаларини ҳудудларга олиб киришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада жойларда барпо этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивлари

ри билан танишишдан бошланди. Мамлакатимизда аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, замонавий шаҳар-созлик андозаларини ҳудудларга олиб киришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада жойларда барпо этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивлари

халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган ийрик ижтимоий лойиҳалардан бири бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташриф буюри ҳақида (Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРҒИЛОН ШАҲРИДАГИ «БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙ» ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ ВА ТУРИЗМ МАЖМУАСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам Фарғона ахли! Қадри дўстлар! Бугун қадимий ва бетакрор Фарғона замида улкан тарихий воқеага гувоҳ бўлиб турибмиз. Буюк Ипак йўли дурдонаси бўлган кўна Марғилон шаҳрида сизлар билан бирга "Бурҳониддин Марғинович" илмий-маърифий ва туризм мажмуасининг очилиш маросимида иштирок этмоқдамиз.

Сиз азизларни, бутун Фарғона вилояти аҳлини ана шундай қувончли воқеа, катта байрам билан чин қалбимдан самимий табриқлайман. Мана шундай улғувор мажмуа барчамизга муборак бўлсин!

Фарғона элига, бутун халқимизга кўп йиллар давомида хизмат қилсин! Хурматли ватандошлар! Меҳнаткаш, оққўнғил ва олийжаноб Фарғона ахлига бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси сифатида бу заминда катта-катта ишларни амалга оширмоқдамиз.

Шу мақсадда, аввало, вилоятни 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ҳаёtgа изчил татбиқ этилапти. Жумладан, қадимий Кўкон шаҳрини ҳар томонлама обод қилиб, бу ерда аэропортни қайта тикладик. Марғилон, бошқа шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва маҳаллалар қиёфаси ҳам тубдан ўзгариб, улғайиб, тиббиёт ва маданият қаратилгани билан ахамиятлидир.

Умуман, барча соҳа ва тармоқларда Фарғона ўзининг таърихи мақтабига эга бўлиб бораётгани ҳаммамизни хурсанд қилади. Ушбу ҳудуд кейинги пайтда нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсдаги ийрик анжуманларга ҳам мезбонлик қилмоқда. Кўкон шаҳрида халқаро хунар-мандчилик фестивали, Риштонда кулчилик анжуманини ўтказиш яхши анъанага

айланди. Марказий Осиё мамлакатларининг ҳудудлараро ҳамкорлик форумлари ҳам Фарғонада муваффақиятли ўтказилмоқда. Сизларга маълумки, сўнгги йилларда миллий меъморилик ечимларини қўлланган ҳолда, тарихий ва замонавий анъаналарни муваффақият билан бириктириб туристик мажмуалар барпо этишга алоҳида эътибор беряпмиз. Хусусан, Самарқандда "Буюк Ипак йўли" ва Имом Бухорий мажмуалари, Хоразмда "Арда Хива" халқаро туризм маркази ишга туширилди.

Яқинда азим пойтахтимизда очилган, Янги Ўзбекистон дурдонаси сифатида эътироф этилаётган Ислон цивилизацияси маркази ҳам бу борада улкан қадам бўлди. Таъкидлаш кераки, ушбу мажмуа экспозициясида Фарғона тарихига алоҳида ўрин ажратилган. Бу масканда тўртта йирик порталдан биттаси Кўкон портали деб аталади. Биринчи Ренессанснинг буюк намояндаси — Аҳмад Фарғоний ва Бурҳониддин Марғинович боболаримиз фаолияти атрофида ёритилган. Буларнинг барчаси — Фарғона вилоятига, бу замин фарзандларига юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Яна бир муҳим жиҳати — ана шундай мажмуалар тўғрисида йилнинг биринчи чорағида Ўзбекистонга 3 миллионга яқин хорижий сайёҳ ташриф буюрди ва туризм экспорти 1,1 миллиард доллардан ошди. Бу, албатта, дастлабки натижа, келажақда унинг салмоғи янада катта бўлади деб ишонаман.

Қадри фарғоналик юртдошларим! Маълумки, бу сўлим диёрдан етишиб чиққан, маънавий ҳаётимизда ўчмас из қолдирган Увайсий, Нодира, Анбар отин, Дилшод Барно, Гулханай, Муқимий, Фурқат, Завқий, Чархий, Собир Абдулла каби шоир ва адиблар номлари халқимиз ўртасида маълум ва машҳур. Шунингдек, Азиз Қайюмов, Эркин Воҳидов, Худойберди Тўхтабоев, Охунжон Ҳакимов, Умарали Норматов, Энахон Сиддиқова, Анвар Обиджон сингари олимлар, шоир ва адиблар яратган асарлар ҳам халқимизнинг маънавий мулкига айланган.

Ўзбек санъати ва маданияти равнақига алоҳида таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда миллий меъморилик анъаналари ва замонавий ёндашувларни уйғунлаштирган ҳолда барпо этилаётган

бечиёс хисса қўшган Юсуфжон қизик Шакаржонов, Уста Олим Комилов, Муҳиддин Қориёқубов, Тамирхон, Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Тавваккал Қодиров, Саодат Қобулова, Берта Давидова, Муроджон Аҳмедов, Наби Раҳимов, Ҳамза Умаров сингари улғу санъаткорлар билан бутун халқимиз фархланда.

Бугунги даврамизда Абдуҳошим Исмоилов, Абдулаҳад Абдурашидов, Қиличбек Тожиев каби устоз санъаткорлар билан бирга ўнлаб истеъдодли ёшларни кўриб турганимдан хурсандман. Бу — Фарғона замида авлодлар ўртасидаги анъаналар давмида эътибордан далолатдир. Бугун уларнинг санъатидан баҳраманд бўлиш ҳам биз учун катта байрамдир.

Чиндан ҳам, бизнинг қандай буюк санъатимиз, ўзининг маҳорат мактабига эга бўлган санъаткорларимиз бор! Шу ўринда сизларга бир янгиликни етказмоқчиман. Биз санъат аҳлининг меҳнати ва истеъдодини қадрлаш, ижодий асарларини келажақ авлодларга етказиш бўйича катта ишларни режа қилияпмиз. Элимиз суйган машҳур ҳофизимиз Шерали Жўраев, ўзбек эстрада санъати юлдузи Фарруқ Зокировнинг алоҳида мактабларини ташкил этиш, ушбу анъанани давом эттириб, фарғоналик устоз санъаткорларнинг ҳам маҳорат мактабларини очамиз.

Бундан ташқари, маънавий ва маърифат, маданият ва санъат вакиллари билан катта мулоқот ўтказамиз. Ушбу мулоқотда соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш, уларга қўшимча шароитлар яратиш бўйича янги ташаббусларни илғари сураамиз. Азиз дўстлар! Халқимизда "Тўйга тўёна билан" деган яхши гап бор. Фарғонага бу сафар ҳам янги-янги ташаббуслар, катта-катта лойиҳалар билан келдим. Мақсад — вилоят ривожини янги босқичга олиб чиқиш, айни барча соҳаларда намунали ҳудудга айлантиришдан иборат. Бугун очилаётган "Бурҳониддин Марғинович" илмий-маърифий ва туризм мажмуаси шу йўлда, ҳеч шубҳасиз, янги даврни бошлаб беради.

Миллий меъморилик анъаналари асосида бунёд этилган, 35 гектар майдонни эгаллаган бетакрор мажмуа Ислон ҳуқуқшунослиги институти, маком театри, очик амфитеатр, ўлкашунослик музейи, адиб ва санъаткорлар хиббони, хунар-мандлар маркази, меҳмонхона ва сервис шохобчалари сингари қўллаб-қувватлаш бўлими билан танишишдан бошланди.

Бугун биз орзу қилаётган янги Бухорий, Термизий, Фарғоний, Хоразмий ва Марғиновичлар авлоди қаердан етишиб чиқадилар? Албатта, улар мана шундай маърифат, илм ва эл мақсатларида тарбия топади.

Шу маънода, сизлар билан бирга келажақ хизмат қиладиган жуда катта эзгу ишни амалга оширдик, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади. Биз ушбу мажмуани айнан Марғилон шаҳрида барпо этганимиз заммида жуда чукр тарихий ва ҳаётий ҳақиқат мужассам. Бу табаррук шаҳар қўллаб-қувватлаш илми ва маърифат эгаларини воёга етказган. Тарихий манбаларда айтилишича, мазкур қутлуғ маскан "Маърифат аҳлининг ватани" деган юксак шарафга сазовор бўлган.

Биз ана шундай қудратли маънавий меросимизга таяниб, Марғилон, бутун Фарғона тарихининг шон-шараф китобига янги саҳифалар битмоқдамиз. Бу билан ҳар канча фахрлансак, гурурлансак арзийди. Фурсатдан фойдаланиб, мажмуани барпо этишда иштирок этган олим ва лойиҳачиларга, муҳандис ва қувратчиларга, ишчи ва хизматчиларга, ушбу олийжаноб ишга хисса қўшган барча саховатли инсонларга самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Эзгу ишларимизда буюк аждодларимизнинг руҳлари ҳамиша қўллаб-қувватласин! Янги Ўзбекистон, Янги Фарғона равнақи ва шухрати янада зиёда бўлсин!

«ЛАЗГИ» III ХАЛҚАРО РАҚС ФЕСТИВАЛИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли фестиваль қатнашчилари!

Муҳтарам меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар, санъат мухлислари!

Сиз, азизларни Жайхун соҳилида, Шарқ гавҳари бўлмиш кўна Хива шаҳрида ўтказилаётган мусиқа ва санъат байрами — "Лазги" III халқаро рақс фестивалининг очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, ЮНЕСКО, ТУРКСОЙ каби нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакилларига, хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, таниқли санъат арбоблари, олим ва мутахассисларга, барча иштирокчиларга ўзимнинг чукр ҳурматимни изҳор этаман.

Ушбу анжуманга мезбонлик қилаётган қадимий ва бетакрор Хоразм аҳлини алоҳида қўллаб-қувватлаш бўлими билдираман. Мана шундай шуқули баҳор кунларида, боқий ва безавол "Лазги" садолари остида ўтаётган бу гўзал байрам барчамизга муборак бўлсин!

Қадри анжуман иштирокчилари!

Уч минг йилдан зиёд шонли тарих ва маданиятга эга бўлган халқимиз қалбини, унинг нафис туйғуларини ҳайратланарли даражада нозик ҳаракатлар орқали ифода этадиган ноёб санъат дурдонаси — "Лазги" номи билан аталадиган халқаро рақс фестивали турли элу элатлар ўртасида самарали маданий мулоқот майдонига айланиб бораётгани барчамизни албатта хурсанд қилади.

"Лазги" эзули ва гўзаллик, тинчлик ва дўстлик гоёларини асрлар давомида таранум этиб келаётган, Хиванинг муаззам миноралари каби юксаклик ва улғуворлик тимсоли бўлган мумтоз мусиқий обидадир.

Айнан ана шундай беназир хусусиятларига кўра, мазкур нодир асар 2019 йилда ЮНЕСКОнинг Инсоният номидаги маданий мероси рўйхатидан муносиб ҳол эгаллади ва халқаро миқёсда тобора юксак қадр-қиммат касб этиб бормоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Миллий балети гуруҳи томонидан "Лазги. Муҳаббат ва қалб рақси" балети жаҳондаги нуфузли саҳналарда муваффақиятли намойиш этиб келинаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Ҳозирги вақтда Янги Ўзбекистонда маданият ва санъат ривожига устувор аҳамият берилмоқда. Хусусан, миллий рақс санъатини юксалтириш, соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. Айниқса, хореография соҳасида замонавий таълим тизими йўлга қўйилган, машҳур "Баҳор" ансамбли фаолияти қайта тиклангани, "Лазги" ансамбли ва бошқа ижодий жамоалар қўллаб-қувватланаётганини таъкидлаш лозим.

"Лазги" халқаро рақс фестивали мамлакатимизнинг маданий дипломатиясида муҳим ўрин тутадиган стратегик платформадир. Ушбу анжуман халқаро маданий бренд сифатида шаклланиб, унинг географияси ва иштирокчиларининг сони йил сайин ортиб бораётгани, бугунги фестивалда дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан юзлаб санъаткорлар, рақс жамоалари, олим ва экспертлар иштирок этаётгани диққатга сазовордир.

Биз ёшлар ўртасида мумтоз санъатимизга қизиқишни янада ошириш, уларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришда "Лазги" рақсидан маҳорат ва таъриб мактаби сифатида фойдаланишни давом эттирамиз.

Ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилаётган халқаро фестивалнинг нуфузи келгусида янада юксалиб, у жаҳон маданий ҳаётида муносиб ўрин эгаллайди деб ишонаман.

Сизларни бугунги санъат ва маданият байрами билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга мустақкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, санъат оламида янги ютуқ ва зафарлар, анжуман ишга эса муваффақиятлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДАГИ УНУТИЛМАС ВОҚЕА

Марғилон шаҳрида барпо этилган «Бурҳониддин Марғинович» илмий-маърифий ва туризм мажмуасининг тантанали очилиш маросими юртимиз маънавий ҳаётидаги унутилмас воқеалардан бири сифатида тарихга муҳрланди.

Ушбу қутлуғ тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, халқимизга самимий табрик ва эзгу тилакларини йўлади.

Дарҳақиқат, меҳнаткаш, оққўнғил ва олийжаноб Фарғона ахлига бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси сифатида бу заминда бугун катта-катта ишлар амалга ошириляпти.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида мазкур мажмуа нафақат Марғилон шаҳри, балки бутун Фарғона водийси учун маънавий-маърифий марказга айланишини

алоҳида таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда миллий меъморилик анъаналари ва замонавий ёндашувларни уйғунлаштирган ҳолда барпо этилаётган

(Давоми 3-бетда).

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ: КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИНИ ОЧМОҚДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қадимий Кўкон шахрида қад ростлаётган янги массив ҳам нафақат уй-жой мажмуаси, балки худуднинг иқтисодий ва ижтимоий қиёфасини ўзгартирувчи замонавий марказ сифатида шаклланди.

Кўкон азалдан аҳоли зич яшайдиган, тадбиркорлик ривожланган шаҳарлардан бири. Шу боис бу ерда тураржойга бўлган талаб йил сайин ортиб бормоқда. Эскирган инфратузилма ва чекланган яшаш майдонлари шаҳарни янги асосда кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Президентимизнинг икки йил аввал Фарғона вилоятига ташири давомида берилган топшириқлари асосида бунёд этилаётган мазкур массив айнан шу эҳтиёжга амалий ечим бўлмоқда. Бу ерда оилалар замонавий ва барча кулайликларга эга хонадонлар билан таъминланмоқда.

Массивни барпо этиш учун жами 1 триллион 850 миллиард сўм маблағ йўналтирилган. Худудда 25 минг нафар аҳоли яшашига мўлжалланган яхлит инфратузилма шакллантирилмоқда. 84 та кўп қаватли уй билан бирга замонавий мактаблар, мактабгача таълим ташкилотлари, олий ўқув юрти, бизнес ва савдо марказлари ҳамда аҳоли дам олиши учун боғлар барпо этилиши кўзда тутилган.

Бу ишлар янги массив аҳолиси учун уйдан узоклашмаган ҳолда ишлаш, таълим олиш, савдо ва хизматлардан фойдаланиш, мазмунли хордиқ чиқариш имкониятини яратди.

Бугунги кунда лойиҳанинг биринчи босқичи муваффақиятли аяқунланди, 4 минг 394 та хонадондан иборат 56 та ўн қаватли уй фойдаланишга топширилди. Тайёр таъмирли хонадонлар аҳолига 35 фойзлик бошланғич тўлов асосида, йиллик 16 фойз ставка билан 20 йил муддатга берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари янги хонадонлардан бирига кириб, яратилган шaroитлар ва жиҳозланиши билан танишди. Массивнинг ижтимоий аҳамиятига алоҳида тўхталиб, бу ерда шаклланаётган янги муҳит одамларнинг дунёқарashi, ҳаёт сифати ва турмуш маданиятини юксалтиришга хизмат қилиши кераклигини таъкидлади.

Фарғоналик нурионлар билан самимий суҳбат бўлиб ўтди.

Улар ижтимоий давлат тамойили асосида жойларда инсон манфаатлари таъминланаётгани, замонавий таълим ва тиббиёт муассасалари, обод маҳаллар, янги корхоналар ва тадбиркорлик имкониятлари аҳоли ҳаётини ўзгартираётганини таъкидлади. Нурионлар бу ишлар юрда тўқиллик, фаровонлик ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаётганини айтиб, давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Шу ернинг ўзида Президентимиз “Янги Ўзбекистон” массивининг иккинчи босқичи ҳамда Кўкон шахрини ривожлантириш бўйича тақдимот билан танишди.

Фарғона водийсида Кўкон, Наманган, Андижон ва Марғилон шаҳарларини боғловчи янги электропоезд қатновий йўлга қўйилди.

Президент Шавкат Мирзиёев жамоатчилик вакиллари билан бирга ушбу йўналишдаги илк поездда Кўкон шаҳридан Марғилон шахрига келди.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 декабрдаги “2030 йилга қадар темир йўл транспортини маҳаллий йўналишларда йўловчи ташиш кўрсаткичларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида амалга оширилди.

Лойиҳа аҳоли зич яшайдиган Фарғона водийсида транспорт қатновини яхшилаш, фуқароларга қулай, хавфсиз ва арзон хизмат кўрсатиш, йўловчи ташиш ҳажмини оширишга хизмат қилади.

324 километрик ушбу темир йўл халқаси водий вилоятларини ўзаро янада яқинлаштириб, аҳоли, тадбиркорлар ва сайёҳлар учун янги имкониятлар очди.

Ушбу поезд Тошкент йўловчи вагонларни куриш ва таъмирлаш заводидан ишлаб чиқарилган. Олти вагондан иборат, 586 ўринли поезд соатига 120 километргача тезликда ҳаракатлана олади.

Чипта нархи 15 минг сўм этиб белгиланган. Бу автомобиль транспортига нисбатан анча арзон ва қулайдир. Кунига 1,5 минг, йилга қарийб 600 минг нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти худудда иқтисодий фаолликни оширишга хизмат қилади.

Вагонларда иқлим назорати тизими ва кондиционерлар ўрнатилган. Бепул “Wi-Fi”, гаджетлар учун USB-портлар мавжуд. Ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус кўтаргичлар, кенг жойлар ва мослаштирилган ҳожатхоналар кўзда тутилган. Велосипедларни ташиш учун маҳкамлагичлар йўловчиларнинг савфадан кейин ҳаракатланиш имкониятини янада кенгайтиради.

Вагонлардаги видеокузатув ва зарба қучини камайтирувчи крэш-тизимлар халқро хавфсизлик стандартларига мос келади.

Йўл давомида Президентимиз ви-

лоят фаоллари билан худудда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида суҳбатлашди.

Темир йўл халқаси Фарғона водийсининг туризм салоҳиятини ҳам янги босқичга олиб чиқиши таъкидланди. Бекатлар атрофида хизмат кўрсатиш шохобчалари, меҳмонхоналар ва умумий овқатланиш масканларини ташкил қилиш заруриги, бу маҳаллий аҳоли учун қўшимча даромад манбаини яратиши қайд этилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Кувасой шахридаги “Crown Ceramic” қўшма корхонасида керамогранит плиталар ишлаб чиқариш жараёни билан танишди.

Юртимизда маҳаллий ҳомаёш асосида импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда республикада 47 та керамик плита ишлаб чиқарувчи корхона фаолият юритмоқда. Утган йили улар томонидан 47,2 миллион квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ички талаб 128,6 фойзга қолланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 16 декабрдаги Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир қарорига мувофиқ, 2025 йилда Кувасой шахрида “Crown Ceramic” қўшма корхонаси ташкил этилди. Йилга 8 миллион квадрат метр керамогранит плита ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳа 1 триллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш, 665 миллиард сўмлик қўшилган қиймат яратиш ва 35 миллион долларлик экспортни амалга ошириш имкониятларига эга.

Корхонада маҳаллий ҳомаёшдан фойдаланиш даражаси 97 фойзни ташкил этмоқда. Унинг асосий қисми Кувасойдаги конлардан, шунингдек, Тошкент вилоятининг Ангрэн худудидан келтирилади. Ишлаб чиқариш жараёнида бир кунда 600 тонна сараланган тош, 100 тонна қизил каолин ва 100 тонна кулранг каолин ишлатилади.

Бу ерда Марказий Осиё ва Шарқий Европа бозорларида кам учрайдиган йирик форматдаги экспортбоп керамогранит плиталар ишлаб чиқарилиб, 6 хил ўлчамдаги маҳсулот тайёрланади.

Заводда оддий сой тошдан юқори қўшилган қийматли маҳсулот яратилмоқда. Дала шпати ишлаб чиқариши, каолин таркибидаги күмүрни тозалаш жараёналари йўлга қўйилган. Бу юқори сифатли керамогранит ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Жараёнлар тўлиқ рақамлаштирилиб, энергетик жамкор ускуналардан фойдаланилмоқда. Экологик талабларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган: замонавий чанг ютиш мосламалари ва филтлар ўрнатилган. Ёмгир сувлари йиғиб олиниб, ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Ишлатилган сувни тозалаш ва ишлаб чиқаришга қайта йўналтиришнинг ёпиқ занжири яратилган.

Замонавий технологиялар ҳисобига ҳомаёш тайёрлашда электр энергияси сарфи 20 фойзгача камайтирилган. Кундугзи иш жараёнида табиий ёруликдан фойдаланилади.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган керамик плиталар сифат ва техник кўрсаткичлари бўйича Италия, Испания ва Хитой маҳсулотлари билан рақобатлаша олади. Жорий йил январь — март ойларида корхона Қирғизистон ва Тожикистонга 400 минг долларлик 80 минг квадрат метр маҳсулот етказиб берди. Экспорт географиясини кенгайтириш мақсадида Қозоғистон, Россия ва Европа давлатлари билан шартномалар имзолаш чоралари қўрилмоқда.

Корхонада ҳозирда импорт қилинадиган лазер маҳсулотларини маҳаллийлаштириш бўйича илмий-амалий ишлар ҳам олиб борилмоқда. Қиймати 20 миллион доллар бўлган, йилга 50 минг тонна лазер ишлаб чиқариш қувватига эга янги лойиҳа 2026 йил сентябрда ишга туширилади. Унинг натижасида яна 100 та иш ўрни яратилиши, қўшимча 10 миллион долларлик экспорт амалга оширилиши, сирлаш маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг 85 фойзини корхонанинг ўз кучи билан қоплаш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва сақлаш жараёналари, жорий этилган технологиялар ҳамда экспорт режалари билан танишди. Бундай қўшма корхоналар маҳаллий ҳомаёшнинг чуқур қайта ишлаш, юқори қўшилган қиймат яратиш орқали худуд иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятига ташири чоғида “Кува Агростар” корхонаси фаолияти билан танишди.

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида маҳсулотни етиштирибгина қолмай, юқори қўшилган қиймат яратиш, қайта ишлаш ва экспортга йўналтириш ҳақларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда “Uzagrostar holding” компанияси ташкил этилиб, унинг таъсисчилигида 21 та туманда иқтисослаштирилган аграр мажмуалар иш бошлади.

Соҳадаги асосий муаммолардан бири ишлаб чиқариш занжирининг

тарқоқлиги эди. Деҳқон маҳсулот етиштирар, аммо уни сақлаш, саралаш, қадоклаш ва ташки бозорга чиқариш имконияти чекланган эди. Иқтисослаштирилган агрокомплекслар эса айнан шу бўшлиқни тўлдирмоқда.

Улардан бири “Кува Агростар” корхонаси. Кува туманида жойлашган мажмуа йилга 12 турдаги 5 минг тонна маҳсулотни етиштиришдан тортиб, сақлаш, қайта ишлаш, қадоклаш ва экспортгача бўлган жараёнларни ягона занжирда бирлаштирилган.

Корхонанинг Италия, Испания, Германия ва Хитойдан келтирилган замонавий технологиялари ва “Global GAP”, “ISO 22000”, “Hala!” ва “НАССР” каби халқро сертификатлари маҳсулот сифати ва миллий брендага бўлган ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тизимли ёндашув натижасида 2025 йилда илк бор Япония ва Жанубий Корея каби талабчан бозорларга авиатранспорт орқали маҳсулот экспорт қилинди. Жорий йилда 25 миллион долларлик маҳсулотни ташки бозорга етказиш режалаштирилган.

Тумандаги 33 та маҳалладан 3 мингта хонадон ва 1 мингта деҳқон ҳўжалиги билан кооперация алоқалари йўлга қўйилган. Одамларга 10 сотих томорқадан 250 миллион сўмгача даромад олиш амалиёти ўргатилмоқда.

Шу ернинг ўзида аҳолига томорқадан самарали фойдаланишни ўргатиш ва маҳаллаларни чуқур иқтисослаштириш борисида амалга оширилаётган ишлар тақдимот қилинди.

Томорқа шунчаки қўшимча даромад манба эмас, балки оилавий тадбиркорликнинг самарали йўналишига айланиши муҳим экани таъкидланди. Аҳолига уруқ танлаш, агротехник тадбирларни тўғри бажариш, сифатли ҳосил олиш, маҳсулотни бозор талабига мос ҳолда тайёрлаш ва экспорт стандартларига мувофиқ қадоклаш бўйича амалий кўникмалар бериш зарурилиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари “Кува Агростар” эришган натижаларни юқори баҳолаб, ердан самарали фойдаланиш, маҳсулотни чуқур қайта ишлаш ва экспортга йўналтириш орқали юқори қўшилган қиймат яратиш, энг муҳими, деҳқон ва томорқа эгалари даромадини сезиларли даражада ошириш муҳим эканини таъкидлади. Шу мақсадда Фарғона вилоятида 50 минг гектар ер майдонида тажриба тариқасида илгор агротехнологияларга асосланган қишлоқ ҳўжалиги тизими жорий этилиши белгиланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятига ташири доирасида Кува туманида агровольтайка технологияси жорий этилган қишлоқ ҳўжалиги мажмуасига ҳам борди.

Юртимизда қишлоқ ва сув ҳўжалигида энергия сарфи ортиб бораётгани ҳисобга олиниб, “яшил” энергия қувватларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Агровольтайка усули бир ернинг ўзида ҳам маҳсулот етиштириш, ҳам қуёш панеллари орқали электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатимизда агровольтайка йўналишида 10 гигаваттгача қувват яратиш салоҳияти мавжуд.

Бу ёндашув Ўзбекистон шароитида, айниқса, қуёшли кунлар кўп бўлган худудлар учун самаралидир. Панеллар экинларга соя бериб, тупроқ намлигини узокроқ сақлайди, сув сарфини камайтиради. Экинлар эса ер ҳароратини метёбрда ушлаб, қуёш модуларини шартномалар ишлашига ёрдам беради.

Мажмуада сув тежамкорлигига қаратилган илгор технологиялар ҳам жорий этилган. Хусусан, Австриянинг “Вауер” компанияси технологияси асосида ёмғирлаштиб сўғориш тизими қўлланилмоқда. Бу усул сувни экин майдонига бир метёбрда етказиб, тупроқ намлигини сақлаш, ўғитни мақсадли бериш ва ҳосилдорликни ошириш имконини беради.

Мазкур технология аввал республикадаги фермер ҳўжалиқларида синовдан ўтказилиб, сув сарфини 40 фойзга, ўғит сарфини 35 фойзга, қўл меҳнатини 90 фойзга камайтириш ва ҳосилдорликни 25 фойзга ошириш самарасини кўрсатган.

110 гектар майдонни эгаллаган мажмуада интенсив боғдорчилик, чорвачилик ва балиқчилик йўналишлари уйғунлаштирилган. Бу қайта тикланувчи энергия манбалари ва сув тежовчи технологиялар жорий этилган мамлакатимиздаги илк агромажмуалардан бири ҳисобланади.

Худудда 10 мингта қуёш панели ўрнатилган. Улар электр энергияси ишлаб чиқариш билан бирга тупроқ намлигини сақлаш ва экинлар учун соя ҳосил қилишга хизмат қилади. Балиқчилик ҳовузларида кислород бериш жараёни электр энергияси ҳисобига амалга оширилади, ҳовуз суви эса минерал моддаларга бой ҳолда узумвор ва боғларни озиклантиришга йўналтирилади.

Чорвачилик йўналишида қорамоллар қуёш панеллари соясида сақланади, боғ худудидаги ўтлар билан озикланади, органик ўғит эса ер унумдорлигини оширишга хизмат қилади. Шу та-

риқа мажмуада энергия, сув, озука ва ўғит бир-бирини тўлдирувчи ягона тизимга бирлаштирилган.

Бундай тизим қишлоқ ҳўжалиги, энергетика ва чорвачиликни ўзаро боғлаб, ердан икки қарра самара олиш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва бозорда рақобатбардошликни ошириш имконини беради. Энг муҳими, бу фермерлар даромадини кўпайтириш, янги иш ўринлари яратиш ва маҳаллий иқтисодиётни ривожлантиришга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда агромажмуада узумнинг экспортбоп “Аватар” нави етиштирилиб, зотдор қорамол ва қўйлар парвариланмоқда, интенсив балиқчилик йўлга қўйилган. Натижада 100 дан ортик оилаларнинг даромади оширилиб, 350 нафар аҳоли бандлиги таъминланмоқда. Экспорт ҳажми 2,5 миллион долларни ташкил этади.

Эндиликда нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақа учун ноёб бўлган ушбу тажрибани республиканинг 13 та худудида 2 минг гектар майдонда оммалаштириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари мажмуа фаолияти билан танишар экан, агродорлар ёрдамида экинларни дориллаш ва мониторинг қилиш ишларини ҳам кўздан кечирди.

Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Кува туманидаги “Каркидон” сув омбори худудида барпо этилган янги туризм мажмуасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Бу маскан Фарғона водийсида ёғи дам олиш, экотуризм ва фаол хордиқ чиқариш учун энг жозибадор манзиллардан бирига айланиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 1 апрелдаги қарорига мувофиқ, бу ерда қиймати 635 миллиард сўмлик замонавий туризм мажмуаси шакллантирилмоқда. Худудда йўл инфратузилмаси яхшиланади, ободонлаштириш ишлари довом этмоқда.

508 гектар майдонни эгаллаган мажмуа агротуризм, экотуризм ва экстремал туризм имкониятларини бирлаштирган. Бу ерда 45 та шале, 57 та замонавий меҳмон уйи, агротуризм мажмуаси, гуллар боғи, лавандазор, экобозор, сокин худудлар ва ресторанлар ташкил этилган.

Президентимиз худудда яратилган шароитлар билан танишар экан, бундай лойиҳалар аҳоли фаровонлиги, худуд иқтисодиёти ва мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Туризм мамлакатни дунёга танитиш, янги иш ўринлари яратиш ва хизматлар экспортини кенгайтиришнинг самарали йўналишларидан бири экани қайд этилди.

Лойиҳа доирасида юздан ортик тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, 2 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Йилга 750 минг нафар сайёҳни қабул қилиш, 3 миллиард сўмлик бюджет тушуми ҳамда 5 миллион долларлик хизматлар экспортини таъминлаш кўзда тутилган. Мажмуа 2027 йилдан тўлиқ қувватда ишга туширилади.

Келгусида бу ерда мотокрос майдонлари, 2 километрли дор йўли, картинг ва голф майдонлари ташкил этилади. Бу имкониятлар “Каркидон” мажмуасини фаол туризм йўналишидаги флагман масканлардан бирига айлантиради.

Мутасаддиларга туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантириш, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун қулай шароитлар яратиш, энг муҳими, аҳоли манфаатига хизмат қиладиган барқарор тизимни шакллантириш бўйича топшириқлар берилди.

Ташриф давомида давлатимиз раҳбари янги меҳмонхона ва савдо мажмуалари фаолияти билан ҳам танишди. Шу ернинг ўзида сайёҳлик соҳасида истиқболда амалга оширилаётган лойиҳалар тақдимот қилинди.

Жумладан, Тахтақўпри туманида Қоратеренг қўли, Хонобод туманида суний қўл, Хатрич туманида “Кўкса-рой” сув омбори, Поп туманида Араршан қўли, Нуробод туманида “Собиросой” ва Каттақўрғон туманидаги “Каттақўрғон” сув омборлари атрофида ҳам йирик туризм мажмуаларини барпо этиш режалаштирилган.

Бу каби лойиҳалар мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятини кенгайтириш, худудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳоли даромадини оширишга хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёев Кува туманидаги 1-сонли техникумда ёшлар замонавий касблар ва хорижий тилларга ўқитиш ишлари билан танишди.

Бугун мамлакатларнинг рақобатбардошлиги нафақат табиий ресурслар, балки инсон капитални, билим ва замонавий касб эгаларининг салоҳияти билан ҳам белгиланмоқда. Шу боис Ўзбекистонда профессионал таълим тизимини ислоҳ қилиш, айниқса, худудлардаги техникумларни амалий билим, инновация ва тадбиркорлик марказларига айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кува туманидаги техникум фаолияти ҳам мазкур ислохотларнинг амалий ифодасидир.

Техникум биносида замонавий касб-

ларга ўқитиш ва стартапларни қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этилган.

Хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда немис ва хитой тилларини ўқитиш билан бирга логистика, қишлоқ ҳўжалигида дронларни бошқариш, “ақлли” ирригация, қуёш панелларини ўрнатиш ва таъмирлаш каби замонавий йўналишлар бўйича кадрлар тайёрланади.

Дуал таълим тизими жорий этилиб, 550 нафар ўқувчи назарий билимларни бевосита амалиёт билан боғлаган ҳолда олмақда.

Стартап маркази ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда робототехника, СММ, мобилография, дизайн каби талаб юқори бўлган йўналишлар бўйича ҳам ўқув курслари ташкил этилган.

Лойиҳа доирасида 200 та янги иш ўрни яратилди. Ушбу тажрибани республикадаги яна 10 та қишлоқ ҳўжалиги техникумида жорий қилиш режалаштирилган.

Президентимиз касб ўрганаётган ёшлар билан суҳбатлашди, уларнинг ўқиши ва келгуси фаолиятида муваффақиятлар тилади.

Давлатимиз раҳбари Марғилон шахридаги “Бурхониддин Марғинович” илмий-маърифий ва туризм мажмуасида барпо этилган маданият ҳамда хизмат кўрсатиш объектлари билан танишди.

Фарғона вилоятининг туризм салоҳиятини тўлиқ ишга солиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз натижасини беришмоқда. Кейинги йилларда худудга хорижий сайёҳлар ташрифи бир неча баробар ошгани ҳам бунинг яққол далилидир.

Қадимий Марғилон шаҳри бу борада катта имкониятларга эга. Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 1 апрелдаги қарори асосида бу ерда “Бурхониддин Марғинович” мажмуаси барпо этилди. Миллий меъморчилик анъаналари, Марғилон тарихи ва замонавий туризм талаблари уйғунлашган ушбу мажмуа қадим шаҳар ичидаги шаҳарчадир.

35 гектар майдонни эгаллаган мажмуада сайёҳлар учун барча кулайликлар яратилмоқда. Бу ерда меҳмонхона, қарвонсарой, савдо ва хизмат кўрсатиш бинолари, хунармандлар маркази, миллий бозор ва музейлар қуриб битказилган.

Буюк аллома Бурхониддин Марғиновичнинг бой илмий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш мажмуанинг асосий йўналишларидан биридир. Шу билан бирга, худудда қадимий хунармандчилик анъаналарини сақлаш, зиёрат ва маданий туризмни ривожлантириш кўзда тутилган.

Мажмуада “Отабек ва Кумуш уйи” музей ҳам ташкил этилган. Унинг деворларида “Ўткан кунлар” романи сахналари жонлантирилиб, адабиёт ва тарихни уйғунлаштирган ноёб муҳит яратилган. Шунингдек, маком театри, шоир ва расомлар хиёбони ҳамда кутубхона ҳам жой олган.

Қиймати 1,7 триллион сўм бўлган лойиҳанинг бош режаси Туркиянинг “Studio Vertebra” компанияси томонидан ишлаб чиқилган. Мажмуа икки босқичда барпо этилади. Келгусида бу ерда бизнес марказ, 1500 ўринли мажмуасини фаол туризм йўналишидаги флагман масканлардан бирига айлантиради.

Мутасаддиларга туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаларини янада ривожлантириш, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун қулай шароитлар яратиш, энг муҳими, аҳоли манфаатига хизмат қиладиган барқарор тизимни шакллантириш бўйича топшириқлар берилди.

Ташриф давомида давлатимиз раҳбари янги меҳмонхона ва савдо мажмуалари фаолияти билан ҳам танишди. Шу ернинг ўзида сайёҳлик соҳасида истиқболда амалга оширилаётган лойиҳалар тақдимот қилинди.

Жумладан, Тахтақўпри туманида Қоратеренг қўли, Хонобод туманида суний қўл, Хатрич туманида “Кўкса-рой” сув омбори, Поп туманида Араршан қўли, Нуробод туманида “Собиросой” ва Каттақўрғон туманидаги “Каттақўрғон” сув омборлари атро

ХАЛҚИМИЗ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДАГИ УНУТИЛМАС ВОҚЕА

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).



Тантанали маросим юқори савияда ташкил этилган концерт дастури билан давом этгани барчани хушнуд этди. Фольклор-этнографик жамоалар, санъаткорлар ва истеъдодли ижроичилар томонидан тақдим этилган чиқишлар тадбирга шукӯҳ бағишлади. Айниқса,

юртимизнинг турли ҳудудларига хос сурхонча, бухороча ва қорақалпоқча каби рақслар маданий хилмаҳилликни яққол намоён этди.



Концертга ташриф буюрган юртдошларимиз қалбида шодлик, фахр ва бирлик туйғулари янада мустаҳкамланди.

Тадбир давомида иштирокчиларнинг юзларидаги қувонч ва кўнгилларидаги кўтаринки кайфият мазкур маданий дастурнинг юксак савияда ташкил этилганини кўрсатди. Марғилон аҳли, турли вилоятлардан келган меҳмонлар ва сайёҳлар билан биргаликда миллий аъёнларимиз руҳида рақсга тушдилар.

Кеча якунида осмонни ёритган салютлар ушбу тарихий онинг янада ёрқин рамзига айланди. Марғилон шаҳри бу оқшом нафақат янги мажмуа очилиши, балки халқимизнинг юксак маданияти, бирдамлиги ва ҳаётсеварлигини намоён этган унутилмас байрамга гувоҳ бўлди.

Абдулазиз РУСТАМОВ, Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ, ҲАА мухбирлари.

БОҚИЙ ВА БЕЗАВОЛ САНЪАТ БАЙРАМИ

Айни кунларда жаҳон маданияти ва санъати аҳлининг эътибори қадимий ва бетакрор Хива шаҳрига қаратилган. Бу ерда миллий рақс санъатимизнинг юксак намунаси бўлган "Лазги"ни тарғиб этиш, унинг бетакрор жозибасини дунёга кенг ёйишга қаратилган "Лазги" III халқаро рақс фестивали бўлиб ўтмоқда.

Фестиваль

Нуфузли анжуманинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Лазги" III халқаро рақс фестивали иштирокчиларига табригини Президент Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёева ўқиб эшиттирди.

Табриқда таъкидланганидек, уч минг йилдан зиёд шонли тарих ва маданиятга эга бўлган халқимиз қалбини, унинг нафис туйғуларини ҳайратланарли даражада нозик ҳаракатлар орқали ифода этадиган ноёб санъат дурдонаси — "Лазги" номи билан аталадиган халқаро рақс фестивали турли элу элатлар ўртасида самарали маданий мулоқот майдонига айланиб бораётгани барчамизни албатта хурсанд қилади. "Лазги" эзулиқ ва гўзаллик, тинчлик ва дўстлик ғояларини асрлар давомида тараннум этиб келаётган, Хиванинг муаззам миноралари каби юксаклик ва улғурлик тинчлик бўлган мумтоз мусиқий обидадир.

Айнан ана шундай беназир хусусиятларига кўра, мазкур нодир асар 2019 йилда ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатидан муносиб жой эгаллади ва халқаро миқёсда тобора юксак кадр-қиммат касб этиб бормоқда.

Маълумки, "Лазги" халқаро рақс фестивали 2022 йилдан буён ҳар икки йилда бир мартаба ўтказиб келинмоқда. Қисқа вақт ичида у халқаро миқёсдаги йирик санъат байрамига айланди. Жаҳон маданий ҳамжамияти эътиборини қозонган фестиваль бу йил янада кенг қамров касб этди. Анжуман ЮНЕСКО шафелигида ўтказилиши билан бирга, жорий йилдан эътиборан ТУРКСОЙ халқаро ташкилоти ҳам уни қўллаб-қувватламоқда. Бу эса фестивалнинг нуфузи ва географияси янада кенгайиб бораётганидан далолат беради.

2026 йилда учинчи мартаба ташкил этилаётган мазкур фестивалда дунёнинг 30 дан ортиқ давлатларидан 300 нафардан зиёд ис-

теъдодли рақсқосалар, профессионал рақс жамоалари, мусиқашунос ва санъатшунос олимлар, таниқли санъаткорлар, соҳанинг етук мутахассислари ҳамда фахрий меҳмонлар иштирок этмоқда. Бу эса фестивалнинг нафақат ижодий, балки илмий-маърифий аҳамиятини ҳам янада оширмоқда.

Тадбир доирасида "Жаҳон маданий тараққиётда рақс санъати: аънава ва умумбашарий қадриятлар" мавзусида III халқаро илмий-амалий конференция ўтказилиши режалаштирилган. Унда рақс санъатининг тарихи, унинг миллий ва умуминсоний қийматлари, замонавий тараққиёт йўналишлари атрофида муҳокама этилади.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Туркия маданий кўшма комиссиясининг III йиғилиши, ТУРКСОЙга аъзо давлатларнинг санъат ва рақс олий таълим муассасалари ректорларининг учрашуви, "Турк дунёсининг аънаванавий рақси антологияси" мавзусидаги конференция ҳамда "Этномаданий форум"лар ўтказилиши кўзда тутилган. Бу тадбирлар туркий халқлар маданий меросини асраш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фестиваль тадбирларининг энг тантанали ва ёрқин лаҳзалари эса "Ичан қалъа" давлат музей-қўриқхонаси ҳудудида бўлиб ўтмоқда. Тўрт кунлик рақс танловларида маҳаллий ва хорижий иштирокчилар ўзаро ижодий беллашиб, ўз маҳорати ва сахнавий маданиятини намоён этади. Танлов якунига кўра, энг муносиб катнашчилар Ташкилий кўмита томонидан диплом, статуетка ва пул мукофотлари билан тақдирланади.

Шубҳасиз, "Лазги" халқаро рақс фестивали нафақат миллий санъатимизнинг жаҳон сахнасидаги нуфузини оширишга, балки халқлар ўртасида дўстлик ва маданий ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

Сенат кўмитасида

САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ВА ИМКОНИАТЛАРИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси мажлисида Андижон вилояти ҳокимлигининг Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида вилоятда туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар ҳолати тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Унда сенаторлар, маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари раислари, вазирилари ва идоралар вакиллари, жумладан, Туризм кўмитаси ҳамда Андижон вилояти ҳокимлиги раҳбарлари, соҳа экспертлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Мажлисида Андижон вилоятида туризм соҳасида мавжуд инфратузилмани ривожлантириш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва сайёҳлар оқимини кўпайтириш масалалари муҳокама этилди.

Шунингдек, туризмни жадал ривожлантириш бўйича тизимли ёндашувларни амалга ошириш, маданий мерос объектлари ва манзил масканларда сайёҳлар учун қулай ҳамда замонавий шарт-шароитлар-

ни яратиб юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Сенаторлар томонидан туризм соҳасида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш, халқаро кўргазмалар ва фестивалларда вилоятнинг туристик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, вилоятда ягона ҳудудий брендни шакллантириш, комплекс турпакетларни жорий қилиш, инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошириш ҳамда замонавий туристик хизматлар турларини кенгайтириш бўйича тегишли тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Мажлис якунида кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Онлайн мулоқот

ИЗЧИЛ МУСТАҲКАМЛАНАЁТГАН ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР

Олий Мажлис Сенатида "Ўзбекистон — Австрия" ва "Австрия — Ўзбекистон" ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Онлайн мулоқот давомида икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани, ушбу ҳамкорлик ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида тараққий этаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда парламентлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Хусусан, парламентлараро гуруҳлар фаолияти самарадорлигини ошириш, парламент назорати механизмларини такомиллаштириш ҳамда бу борада ўзаро тажриба алмашиш муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Шунингдек, қонун ижодкорлиги бўйича ҳамкорликни кенгайтириш, илғор тажрибалар билан ўртоқлашиш ва парламентлараро мулоқотни янги мазмун билан бойитиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Икки мамлакат ўртасида савдо, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, экология, "яшил" энергетика соҳаларида, энергия самарадорлиги ва экологик стандартларни ривожлантириш ҳамда таълим ва гуманитар йўналишларда ҳамкорликни кенгайтириш муҳим экани таъкидланди.

«Халқ сўзи».

Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши:

ҲАМКОРЛИКНИНГ 5 ЙИЛЛИК ЙЎЛИ

Пойтахтимизда Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгашининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши аъзолари — Ўзбекистон, Қозғоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Мўғулистон миллий касаба уюшмалари вакиллари, шунингдек, Туркманистон касаба уюшмалари миллий маркази делегацияси аъзолари, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) меҳнатқашлар фаолияти бўйича Бюроси Европа ва Марказий Осиё сектори раҳбари, мамлакатимиз касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий кенгашлари ҳамда тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари раислари, Федерация аппарати масъул ходимлари қатнашди.

Форум

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов анжуманда таъкидлаганидек, охириги 9 йилда Марказий Осиёда улкан ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Минтақа мамлакатлари ўртасида дўстлик, ўзаро манфаатлар ва ишонч тамойилларига асосланган кўшничлик муносабатлари жадал ривожланиб бораётган. Буларнинг барчаси тарихан қисқа вақт ичида Марказий Осиё минтақаси давлатлари раҳбарларининг сиёсий иродаси натижасида минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларда улкан ижобий ўзгаришлар амалга оширилгани ҳамда дўстона алоқаларнинг янги босқичга олиб чиқилгани натижасидир.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги сайёҳ-ҳаракатлари мамлакатларимиз касаба уюшмаларининг дўстона алоқаларини янада мустаҳкамлаш ҳамда асосий вазифаларини амалга оширишда тажриба алмашиш ишларини тамомла янги босқичга олиб чиқди. Шу маънода, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан тузилган Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши ҳам турли соҳа меҳнатқашларининг ижтимоий-меҳнат, касбий, иқтисодий ва бошқа қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини, касаба уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқ ва кафолатларини ҳимоялашга, касаба уюшмаларининг халқаро бирдамлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш

бўйича иштирокчи мамлакатлар касаба уюшмалари ҳаракатларини бирилаштирди.

— Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши ташкил топганига қарийб 5 йил бўлди. Бугунги умумий йиғилиш тарихий аҳамиятга эга, — деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов. — Бундан қарийб 5 йил муқаддам Тошкентда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгашининг таъсис йиғилиши ўтказилган эди. Бугун ишонч билан таъкидлаш мумкинки, Кенгаш ўзини аъзо мамлакатларда касаба уюшмалари ҳаракати ва унинг ривожланиш истиқболлари ҳамда фаолияти тўғрисида мунтазам фикр ҳамда тажриба алмашиш учун муҳим платформа вазифасини бажарувчи ҳаётий ва нуфузли халқаро минтақавий тузилма сифатида кўрсата олди.

Дарҳақиқат, Кенгаш ривожланишининг 5 йиллик йўли касаба уюшмалари бирдамлиги самарадорлигини ва меҳнатқашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда умумий ёндашувларга бўлган талабни яққол кўрсатди. Кенгашнинг умумий йиғилишларида меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимоя, касаба уюшма таълими, янги ахборот технологияларини татбиқ этиш ва касаба уюшмалари фаолиятига тааллуқли бошқа кўплаб муҳим йўналишлардаги долзарб масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Ижтимоий мулоқот учун самарали майдонга айланган Кенгаш фаолияти ХМТ ва Халқаро

касаба уюшмалари конфедерацияси (ХКУК) томонидан ҳам юқори баҳоланди. Асосийси, Кенгаш қисқа муддат ичида шунчаки расмий тузилма эмас, балки чинакам жонли ва самарали механизмга айланди.

Кенгаш умумий йиғилишида 2026 йилда Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгашига раислик қилиш ваколати бир овоздан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига берилди.

Кун тартибига мувофиқ, мажлис давомида Марказий Осиё мамлакатларида миллий уч томонлама ижтимоий мулоқот амалиёти, қулай психосоциал иш шароитларини яратиб берадиган касаба уюшмаларининг роли, минтақа мамлакатлари касаба уюшмаларининг платформа иқтисодиётидаги позициясини шакллантириш, Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгашини Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари конфедерациясига айлантириш ҳамда Уставини тасдиқлаш, конфедерация бош қотибни сайлаш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Умумий йиғилишда Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари конфедерацияси Бош кенгаши ва унинг таркиби сайланди, конфедерация Ижроия кўмитаси таркиби тасдиқланди. Шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари конфедерациясининг ишчи аппаратини тузиш, унинг штатларини тасдиқлаш ва молиялаштириш манбаини белгилаш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистондаги Исломо цивилизацияси марказида бўлиб, унинг қабилияти билан танишди. Нафақат ўтмиш ҳақида хикоя қиладиган, балки тарих, бугун ва келажакни боғлайдиган, тарраққиётимизнинг асосий йўналишларини белгилаб берадиган ақл-тафаккур маркази меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2025 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини атрофлича муҳокама қилди.



Депутатлар мазкур ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда "Ҳисоб палатаси тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ тайёрлангани, унда Ҳисоб палатасининг 2025 йилдаги фаолияти натижалари, Давлат бюджетни маблағларининг шаклланиши ва сарфлашида қонунийлик, мақсадлик ва самарадорликни таъминлаш бўйича қўрилган чора-тадбирлар акс эттирилганини ургунди.

Президентимизнинг давлат молиявий назорат тизимини такомиллаштиришга қаратилган муҳим фармонлари асосида Ўзбекистонда давлат ташқи аудити ва молиявий назорати тизими тубдан трансформация қилинди. Ҳисоб палатаси оддий "молиявий тафтишчи" ролидан юртимизда амалга оширилаётган исллохотлар самарадорлигини баҳоловчи стратегик тузилмага айланди.

Ҳисоботда таъкидланганича, Ҳисоб палатаси ўз фаолиятида устуворлик нафақат бюджет маблағларининг сарфланишига, балки уларнинг ижтимоий-иқтисодий натижадорлигига қаратилган. Соҳада амалга оширилган исллохотлар Ҳисоб палатаси фаолиятида рақамли ҳамда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ишларини янада жадаллаштирди. Хусусан, "Масофавий аудит" ахборот тизими қисқа вақт ичида давлат молиявий назорати тизимининг энг муҳим инфратузилмаларидан бирига айланди.

Таъкидланганидек, Ҳисоб па-

латасининг 2025 йилги фаолияти давомида ўтказилган назорат тадбирларининг салмоғи 2024 йилдагига нисбатан қарийб 20 фоизга ошган. Аудит тадбирлари давомида қатор молиявий хато ва камчиликлар аниқланган. Қўрилган чоралар натижасида 2 трлн. сўмдан ортиқ маблағ бюджетга қайтарилган. Хафв-хатарни олдиндан (превентив) назорат қилиш орқали 8,1 трлн. сўмлик асосий харажатларнинг олди олинган.

Халқ вакиллари Ҳисоб палатаси фаолиятида аънаванавий нақоратдан тизимли таҳлил ва превентив механизмларга ўтиш жараёни сезиларли даражада жадаллашганига эътибор қаратди. Хусусан, "Масофавий аудит" тизими 75 та идоранинг 259 та маълумотлар базаси билан интеграция қилинган. Давлат харидлари соҳасида сунъий интеллект модуллари ёрдамида 83,3 млрд. сўмлик манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланган хизматлар баргараф этилган.

Депутатлар палата фаолиятида эришилган ютуқлар билан бир қаторда, айрим тизимли муаммоларга ҳам тўхталиб ўтди. Хусусан, давлат ва ҳудудий ривожлантириш дастурлари ижроси бўйича масъул вазирилари ҳамда идораларга ушбу дастурлар доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни жадаллаштириш ҳамда маблағлар самарадорлигини назорат қилишни кучайтириш юзасидан тақлифлар билдирилди.

Маҳаллий Кенгашларнинг бюджет соҳасидаги салоҳияти-

ни ошириш, бюджетга қўшимча даромад манбаларини топиш ҳамда бюджет маблағларининг сарфланишида "Масофавий аудит" тизимини жорий этишда Ҳисоб палатаси иштирокини кучайтириш бўйича аниқ тақлифлар илгари сурилди.

Давлат активларини хусусийлаштириш дастури доирасидаги ишларни янада жонлантириш талаб этилаётгани ҳам халқ вакиллари эътиборида бўлди. 2025 йилда режалаштирилган активларнинг бир қисми ҳамон сотув жараёнида қолаётгани таъкидланди. Ушбу йўналишдаги исллохотлар суруъатини ошириш ва сотув жараёнининг тўлиқ шаффофлигини таъминлаш орқали иқтисодий фаолликни кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Муҳокамада халқ вакиллари Ҳисоб палатаси фаолиятида янги назорат механизмларини, жумладан, масофавий аудит тадбирларини ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини амалдаги қонунчиликка имплементация қилиш бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқишни тавсия этди. Шунингдек, сунъий интеллект имкониятларидан нафақат давлат харидларида, балки "яширин иқтисодиёт" улуши юқори бўлган соҳаларда ҳам кенг фойдаланиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Депутатлар парламент назоратининг самарадорлигини ошириш борасида Ҳисоб палатаси билан ўрнатилган ҳамкорликни янада кучайтириш, муҳим соҳавий аудитлар ва аниқланган тизимли камчиликлар бўйича палаталарнинг кўмиталарига мунтазам равишда темалик таҳлилий материаллар тақдим қилиб боришни тақлиф этди.

Мажлис якунида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2025 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар кўмитасининг аъзоси Ноиб Иноятовага падали бузруквори Талиб ИНОЯТОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изхор этади.

2030 йилга қадар Ёшлар ишлари агентлигининг 20 минг нафар йигит-қизни тадбиркорликка ўқитишга мўлжалланган «Янги авлод тадбиркорлари» дастури ишга туширилади.

Электрон назорат тизимини жорий этиш истиқболлари

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамда халқ депутатлари Миробод тумани Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда туманда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги атрофлича муҳокама қилинди.

Кўшма йиғилиш



Мажлисида давлат раҳбарининг "Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлар тизимини жорий этишга қаратилган қўшма чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "2026 йилда республика маҳаллаларида жиноятчиликнинг барвақт профилактикаси самарадорлигини янада ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу қарорларга мувофиқ ҳар бир маҳаллада криминоген вазиятга таъсир этувчи омилларни барвақт аниқлаш, олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар юзасидан маҳаллий ҳокимликлар масъулиятини ошириш, ижтимоий профилактика самарадорлигини кучайтириш, аёллар ва ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда бу жараёнлар устидан электрон назорат тизимини жорий қилиш устувор вазифа этиб белгиланган.

Маҳаллабй ишлаш тизими асосида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи чорагида аёллар, ёшлар, ишсизлар томонидан содир қилинган жиноятлар,

шунингдек, мастлик ҳолатида ва гуруҳ бўлиб жиноятга қўл уриш ҳолатлари камайгани қайд этилди.

Шу билан бирга, кўшма мажлисида "яширин иқтисодий"ни қисқартириш, бозорларни рақамлаштириш ва қурилиш соҳасидаги коррупциявий омилларни бартараф қилиш масалалари ҳам қўриб чиқилди. Ушбу йўналишлар бўйича туман ҳокими, прокурори ҳамда ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Мажлисида Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ. Бурҳонов ижобий натижалар билан бир қаторда мавжуд камчиликларга ҳам тўхталиб, криминоген омилларни барвақт аниқлаш ва ижтимоий профилактика устидан электрон назоратни кенгайтириш бўйича масъуларга аниқ кўрсатма ва тавсиялар берди.

Муҳокама якунида тегишли қарор қабул қилиниб, белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Фракциялар ҳаёти

ҚИЗГИН МУНОЗАРАЛАР ВА КОНСТРУКТИВ ТАКЛИФЛАР

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеаларга эътибор қаратилди, шунингдек, қўйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари қўриб чиқилди.

Тадбиркорга фаолиятини қисқа вақтда қайта давом эттириш имкони берилди

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида Президентимиз раислигида жорий йилнинг биринчи чорагида ҳудуд ва манфаатларини иқтисодий ўсиш таҳлили ва йил якунига қадам устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида қўриб чиқилган масалалар ҳақида сўз юритилди. Унда илгари сурилган таклифлар иқтисодиётни янги босқичга олиб чиқиш, барқарор ўсишни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Депутатлар томонидан қўриб чиқилган навбатдаги масала — тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

Лойиҳа билан Иқтисодий процессуал ҳамда Солиқ кодексларида ўзгартириш, бозорларни рақамлаштириш ва қурилиш соҳасидаги коррупциявий омилларни бартараф қилиш масалалари ҳам қўриб чиқилди. Ушбу йўналишлар бўйича туман ҳокими, прокурори ҳамда ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Хуқуқбузарлик бартараф этилганда ҳисоб-варақ фаолиятига қўйилган чекловни бекор қилиш ҳам солиқ органи томонидан амалга оширилиши таклиф этилмоқда. Эндиликда қондабузилиш тан олinsa, иш судгача бормайди. Киритилаётган мазкур ўзгартиришлар қондабузилишларни тез фурсатда бартараф қилиш ва тадбиркор фаолиятини қисқа вақтда қайта давом эттириш имконини беради.

Қонун лойиҳаси билан солиқ тўловчи солиқ органининг қарори юзасидан эътироз билдирса, унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органининг аризасига асосан Иқтисодий суд томонидан амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

— Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда, — дейди фракция аъзоси Одиложон Мамадалиев. — Ушбу ҳужжат эса банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб турилган тадбиркорлик субъектларининг ўз фаолиятини

хизматларни таклиф этувчиларга ўз тизимидаги ҳимоя ва хавфсизлик чораларини мунтазам кучайтириб бориш мажбурияти қўйилмоқда.

Лойиҳага кўра, тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва ташкилотлар ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда шубҳали операцияларнинг олдини олиш бўйича белгиланган талабларни етарли даражада бажармаса, юзга келадиган зарар уларнинг ҳисобидан қопланади. Шунингдек, жиноятлардан жабрланганларни реабилитация қилиш тизими ва амалиёти шакллантирилмоқда. Шу билан бирга, "молиявий пирамида"га қарши кураш чоралари янада кучайтирилади. Ахборот ресурсларига аниқланган ноқонуний контентлар бўйича ваколатли давлат органига маълумот тақдим этиб бориш мажбурияти юклянапти.

Фракция аъзоси Жаҳонгир Ширинов лойиҳага муносабат билдириб, сўнгги йилларда энг кўп содир этилаётган ва энг кўп очилмаётган жиноятлар айнан кибермақонда юз бераётганини таъкидлади.

— Одатда, фуқаронинг банк картасидан пул ўғирилса, унинг ўзини айбдор қилишга ўрганиб қолганми. Эндиликда ушбу лойиҳа билан қонунчиликдаги ана шундай бўшлиқ тўлдирилмоқда ва жамиятимиз бундай ўзгаришларни анчадан бунён кутаётган эди, — деди депутат.

Фракция аъзолари лойиҳада иккинчи ўқиш жараёнида муҳокама қилинадиган масалалар, таклиф ва ташаббуслар қўлигини эътироф этган ҳолда қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

Рақамли муҳитдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш тизими кучайтирилмоқда

"Адолат" социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида давлатимиз раҳбарининг ақинда ёшларга янги имкониятлар яратишга оид қабул қилинган муҳим фармон ва қарорининг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди.

Ҳужжатларда ёшлар ислохотларнинг фаол иштирокчисини ва тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида эътироф этилаётгани, бу ёндашув ижтимоий адолат, тенг имкониятлар яратиш ва инсон капиталига сармоя киритиш каби устувор қадриятларнинг амалий ифодаси эканлиги ургуланди.

Шундан сўнг фракция аъзолари киберхавфсизликни таъминлаш ва рақамли муҳитда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш тизимини тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Ушбу ҳужжат билан банк карталари, электрон ва криптоҳамбарлар ҳамда уларни бошқариш имконини берувчи маълумотларни қонунга ҳилоф равишда бошқа шахсларга берганлик унун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланмоқда. Шунингдек, SIM-карталар, шахсий ақкаунтлар ва идентификация воситаларини бошқа шахсларга ноқонуний бериш ёки улардан фойдаланиш ҳолатлари унун ҳам жавобгарлик чоралари кучайтириляпти.

Қонун лойиҳасида муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида киберхавфсизлик талабларига риоя этмаганлик унун маъмурий жавобгарлик ҳам белгиланяпти. Қолаверса, банк ва тўлов ташкилотларида ахборот хавфсизлиги қондаларга амал қилмагани сабабли юзга келган зарарни банклар ва тўлов ташкилотлари томонидан қоплаш механизми жорий этилмоқда.

— Қонун лойиҳаси сайловолди дастуриимизда белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, обдан муҳокамадан ўтказилди. Ундаги айрим нормаларни янада тақомиллаштириш бўйича қатор таклифлар билдирилди, — дейди фракция аъзоси Зиёнол Юнусов. — Мазкур ҳужжат ахборот технолоияларидан фойдаланиб, содир қилинган жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва уларни фош этиш механизминини тақомиллаштиришга хизмат қилади.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Тўлов воситалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар — эътибор марказида

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида "Киберхавфсизликни таъминлаш ва рақамли муҳитдаги ҳуқуқбузар-

ликларга қарши курашиш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Унда Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартиришлар киритиш, ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этмаганлик унун жавобгарлини кучайтириш, электрон тўлов воситалари билан боғлиқ жиноятлар унун жазо чораларини қатъийлаштириш назарда тутилган. Муҳокама жараёнида депутат Анвархон Те-



миров қатор доллар саволарни ўртага ташлади. Хусусан, интернет тармоқларида, жумладан, хоржий платформалар орқали амалга оширилаётган реклама ва ахборот тарқатиш жараёнларини ҳуқуқий жиҳатдан чеклаш имкониятлари масаласи кўтарилди. Депутат интернет глобал тармоқ эканини, айниқса, хоржий субъектлар томонидан амалга оширилаётган реклама фаолиятини назорат қилиш амалда мураккаблигини таъкидлади. Шу нуқтаи назардан, қонун лойиҳасида фуқароларни жиноят содир этилгандан кейин эмас, балки ундан олдин ҳимоя қилиш механизмининг етарли даражада акс этмагани ҳақида фикр билдирди.

Масъуллар томонидан қонун лойиҳаси, асосан, жавобгарлини кучайтириш билан бирга, профилактик механизмларни ҳам назарда тутаётгани таъкидланди ва бу бўйича атрофлича тушунтириш бериб ўтилди.

Депутат Жамол Ачилов банк карталаридан фойдаланиш тартибига оид нормаларни аниқлаштириш зарурлигини таъкидлаб, айрим ҳолларда банк картасини оила аъзоларига бериш амалиёти жавобгарликка сабаб бўлмаслиги, лекин ноқонуний фаолиятда фойдаланилганда масъулият юзга келиши масаласига ойдинлик киритишни сўради.

Масъуллар ушбу ҳолатда жавобгарлик фақат карта маълумотлари ноқонуний фаолият унун берилиб, жиноятга сабаб бўлган тақдирдагина юзга келишини, билдирилган таклифлар эса қонун лойиҳасини тақомиллаштириш жараёнида инобатга олинишини маълум қилди. Йиғилишда қонун лойиҳасини нормаларини тушунтиришга қаратилган қўшимча семинарлар ташкил этиш таклифи илгари сурилди.

Қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ветеринария хизматлари сифати оширилди

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида, давлат ветеринария назоратини тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси қўриб чиқилди.

Муҳокама давомида мамлакатимизда ветеринария хизматлари сифатини яхшилаш, ветеринария-санитария хавфсизлигини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Қонун лойиҳаси билан ветеринария соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни янада тақомиллаштириш, ветеринария назорати механизмининг кучайтириш, масъул давлат органлари ваколатларини аниқ белгилаш ва масъулиятини янада ошириш назарда тутилмоқда. Шунингдек, ҳайвонлар касаллиқларининг олдини олиш, уларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш, ветеринария хизматлари сифатини яхшилашга қаратилган қатор нормалар киритилмоқда.

— Қонун лойиҳаси ветеринария соҳасини янада ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятли, — дейди фракция аъзоси Ойбек Раҳимов. — Шунингдек, киритилаётган нормалар миллий маҳсулотларнинг халқаро бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтиради.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Кун тартибидан навбатдаги масала — киберхавфсизликни таъминлаш ва рақамли муҳитда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш тизимини тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди. У кибер-жиноятларнинг олдини олиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда рақамли муҳитда хавфсизликни кучайтиришга қаратилган.

Фракция аъзолари белгиланаётган нормаларни атрофлича қўриб чиқиб, қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

«Халқ сўзи».

Тадбир Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш — муҳим омил

Тошкент давлат аграр университетидида "Барқарор ривожланишда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш стратегиялари" мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Унда Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова иштирок этди.

Анжуманининг асосий мақсади барқарор ривожланиш шариоитида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш, соҳадаги доллар муаммоларга замонавий ечимлар ишлаб чиқиш ҳамда илмий тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этишдан иборат.

Тадбирда соҳадаги доллар масалалар кенг муҳокама қилинди. Хусусан, соғлом туپроқни асраш ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ер деградацияси ҳамда шўрланишга қарши инновацион ечимлар ишлаб чиқиш, аграр тармоқда суный интеллект ва масофадан зондлаш технологияларини жорий этиш, шунингдек, иқлим ўзгариши шариоитида "яшил" агротехнологияларни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир якунида барқарор ривожланиш таъминлаш, ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш тақомиллаштириш, соҳадаги мавжуд муаммоларга самарали ечимлар топишга қаратилган муҳим таклифлар билдирилди.

Ташаббускор ёшлар сараланди

Олий Мажлис Сенати ҳузуридидаги Ёшлар парламенти томонидан Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан биргаликда ташаббускор йигит-қизлар ўртасида "Барқарор тинчлик унун ёшлар ҳаракати" танлови ва ўқув семинари ташкиллаштирилди.

Семинар

Икки босқичда ўтказилган танловда 100 нафардан ортиқ ёшлар қатнашиш унун ариза топширди. Саралаш босқичлари якунига кўра, ҳудудларда жаммоа билан ишлаш, маҳаллий даражадаги муаммоларга амалий ечим топиш ҳамда ёшларнинг ижтимоий фаолигини оширишга қаратилган ташаббусларни илгари сура олади-ган 15 нафар иштирокчи саралаб олинди.

Уч кун давом этган интенсив семинар машғулотларида иштирокчиларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ижтимоий масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Тажрибали эксперт ва тренера томонидан ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, болаларга нисбатан эўравонликка қарши курашишнинг психологик ва ҳуқуқий жиҳатлари бўйича тушунчалар берилди.

Шунингдек, бугунги ахборот маконида доллар сараланган медиасаводхонлик, манипулятив контентлар ва фейк хабарларни аниқлаш усуллари юзасидан маҳорат дарслари ташкил этилди.

Лойиҳа доирасида иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда ўз ҳудудларидаги доллар зарб муаммоларга ечим бўладиган лойиҳаларини ишлаб чиқди. Жумладан, ноғиронлиги бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш, медиасаводхонликини ривожлантириш, гиёҳвандликнинг олдини олиш ҳамда китобхонликни тарғиб қилиш йўналишларидаги лойиҳалар тақдим этилди.

Ўқув-семинар якунида муваффақиятли қатнашган ёшларга ташкилотчилар томонидан махсус сертификатлар ва эсдалик совғалар топширилди.

Бўлғуси таҳлилчилар анжумани

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хоржий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Одиложон Маматқаримов Тошкент давлат шарқшунослик университетида "Сиёсий таҳлилчилар кадрлар тайёрлашнинг доллар масалалари" мавзусида шарқшунос таҳлилчиларнинг биринчи республика форумида қатнашди.

Таълим

Тадбир иштирокчилари сиёсий таҳлил йўналишида кадрлар тайёрлашнинг бугунги ҳолати, мавжуд муаммолар ва истиқболли йўналишларини муҳокама қилди.

Форум давомида қатнашчилар ўзаро фикр алмашиб, сиёсий таҳлил бўйича замонавий ёндашуларни жорий этиш, ил-

мий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ҳамда амалий қўнимчаларни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Тадбир якунида келгусида ҳамкорликини кенгайтириш, ёш таҳлилчиларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг салоҳиятини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Давлатимиз раҳбари фармонида кўра, 2027 йилдан ҳар 2 йилда бир марта 12 август — Халқаро ёшлар куни арафасида «Авлодлар мулоқоти» халқаро ёшлар конгресси ўтказилади.

Халқ сўзи Народное слово
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 23 403 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳосини келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Таҳриратга келган кўлэмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг маълумот берилиши унун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳрират компьютер марказида терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳих — С. Исломов.
"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.35
Топшириди — 03.35 1 2 3 4 5 6